Fanlar akademiyasida Markaziy Osiyo va Rossiya olimlari ishtirokida seminar bo'lib o'tdi

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (ФА) ташаббуси билан Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Дубна, Россия) Ахборот технологиялари лабораторияси етакчи олимлари ва Марказий Осиё тадқиқот ва таълим тармоғи (CAREN) вакиллари иштирокида «Академик фан ва замонавий ахборот технологиялари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

ФАдан Kun.uz'га маълум қилинишича, ушбу семинар илм-фан ва таълим соҳасида ахборот технологияларидан амалий фойдаланиш ҳамда асосий маълумотлар базасини яратиш, йирик маълумотларни (BigData) қайта ишлаш ва бошқариш масалаларига бағишланди.

Фото: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«Бирлашган ядро тадқиқотлари институти дунёда энг машҳур илмий марказ бўлиб, Ўзбекистон олимлари билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларига эга. Бугунги семинардан кўзланган асосий мақсад, россиялик ва қирғизистонлик олимлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, олимларимиз, ёш тадқиқотчиларимиз, талабаларимизни айнан илм-фанда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг имкониятлари ҳамда афзалликлари билан кенгроқ таништиришдан иборат», - дейди Фанлар академияси вице-президенти Сирожиддин Мирзаев.

Фото: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Шунингдек, семинар иштирокчилари юқори тезликдаги алоқа тизими сифатида CAREN’нинг атроф-муҳитни ўрганишга оид тадқиқотлар, сейсмология, телетиббиёт, табиий ва маданий меросни асраш каби соҳаларда биргаликдаги изланишларни ривожлантириш борасидаги фаолияти билан ҳам танишишди.

Фото: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“Ушбу семинар ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошевга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Бу семинар ўзбек олимлари билан ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичига замин яратишига ишонаман”, – дейди Қирғизистон Республикаси Миллий Фанлар академияси академиги Асқар Кутанов (CAREN).

Семинар якунида илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ва технологик салоҳиятни ошириш, шунингдек, фан, техника, иқтисодиётда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

https://kun.uz/news/2019/02/13/fanlar-akademiyasida-markaziy-osiyo-va-rossiya-olimlari-ishtirokida-seminar-bolib-otdi